# ҚУТ-БАРАКА ЭЛЧИСИ – НАВРЎЗ МУБОРАК!

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
**21 март**
ШАНБА
**№ 22** (12762)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

# КЎҲНА ВА БОҚИЙ АЙЁМ

**Она табиат уйғониши, шарқона янги йилнинг бошланиши, қолаверса, эзгулик, хайр-саховат, меҳр-оқибат, кексаларга ҳурмат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик, бунёдкорлик айёми ҳисобланмиш Наврўзи оламни халқимиз доимо ўзгача бир соғинч, интиқлик билан кутади. Юксак қобилияти, сўнмас жасорати ила мислсиз бунёдкорликларни амалга ошираётган юртдошларимиз бу гал ҳам Наврўзни зўр кайфият ва муштоқлик ила қарши олдилар.**





Вилоятимизда неча минг йиллик қадриятларимизни мужассам этган азалий байрамимизнинг асосий тантаналари Юқори Чирчиқ туманидаги "Дўстлик" стадионида бўлиб ўтди. Тантанали маросимда вилоят фаоллари, нуронийлар, ишлаб чиқариш илғорлари, илм-фан, маданият, спорт ва санъат соҳаларида юксак муваффақиятларга эришаётган вилоятдошларимиз, ёш авлод вакиллари жамулжам бўлдилар.

Бир томонида дорбозлар дор ўйнаб, полвонлар тош кўтарган, бир томонида Наврўздек қадимий таом – сумалак қайнаётган, бир томонида кекса онахон ва отахонларимиз дуога қўл очган, яна бир томонида жажжи қизалоқлар арғимчоқ учаётган майдон узра карнай-сурнайлар садоси таралиб, Наврўз сайли бошланганидан дарак берди.

Байрам иштирокчиларини вилоят ҳокими Аҳмаджон Усманов Наврўзи олам билан самимий муборакбод этди.

– Бугун юртимизда муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ янги-янги кошона ва иншоотлар, маданият ва истироҳат боғлари, замонавий, шинам уй-жойлар барпо этилмоқдаки, бу умуммиллий Наврўз байрамимизга том маънода ўзгача шукуҳ бағишламоқда, – деди вилоят ҳокими. – Куни кеча давлатимиз раҳбари вилоятимиз сайловчилари билан учрашувда вилоятимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, бунёдкорлик, ободончилик, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги ишларига юксак баҳо бердилар.

Президентимизнинг вилоятимиз саноат ва коммуникация инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган иккита махсус Қарорларига асосан ўтган йилда 1 миллиард 33 миллион долларлик 306 та истиқболли лойиҳа амалга оширилиб, улар ҳисобига ўн мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

Ранго-ранг гуллар билан безалган амфитеатр саҳнасидаги болажонларнинг мусиқий чиқишлари тадбир иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Болажон халқмиз. Ҳар қандай орзу-умидларимиз рўёбини фарзандларимиз келажаги тимсолида кўрамиз. Шу маънода, ёшларни ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлод қилиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири экани, ҳар йили кўплаб янги мактаб,

(Давоми 2-бетда).

# ХУШ КЕЛДИНГ, НАВРЎЗ!

**Наврўз айёмини муносиб кутиб олиш ҳамда кўтаринки кайфиятда кенг нишонлаш учун Тошкент вилоятида ҳам қизғин тайёргарлик кўрилди.**

Шаҳар ва туманлар, маҳалла ва қишлоқлар, кўча ва хиёбонлар байрамона безатилиб, ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Янги боғ-роғлар, гулзорлар барпо этилаётир.

Вилоятнинг асосий байрам тадбири ўтадиган Юқори Чирчиқ туманидаги "Дўстлик" стадиони ҳамда бошқа шаҳар ва туманлардаги маданият ва истироҳат боғларида барча қулайликлар яратилди. Шодиёна кунлари аҳолига маданий, савдо ва бошқа хизматлар кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилди. Байрам тадбирлари тинч-осойишта ўтиши, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кенг кўламли профилактик тадбирлар амалга оширилди.

– Янгиланиш ва яшариш айёмини кўтаринки кайфият ва шоду хуррамликда ўтказиш учун пухта ҳозирлик кўрилди, – дейди Оҳангарон тумани ҳокимлигининг масъул ходими Диёр Алимов. – Бирлик, Телов, Увак, Қорахитой каби ўнга яқин қишлоқларнинг кўчалари тартибга келтирилди, ариқ ва зовурлар тозаланди. Таълим, тиббиёт, спорт, маданият муассасалари жойлашган ҳудуд атрофига манзарали ва мевали дарахт кўчатлари экилди. Ободликдан кўнгли ёришган аҳоли тозалаш, ободонлаштириш сингари юмушларга ҳам баҳамжиҳат киришаётир.

Янги йил Наврўзидан маълум, дейишади. Буни яхши билган оҳангаронлик фермерлар, қилни қирқ ёрадиган моҳир деҳқонлар ҳам ҳамал кириши билан ўз амалларига киришган. Ўз тасарруфидаги дала шийпонларини тартибга келтириш, янги боғлар яратиш, дарахтларга шакл бериш ва майса парвариши билан банд.

"Хуршид-Иқбол-Бўстон" фермер хўжалигида баҳорий таомлар дала шийпонининг ўзида тайёрланиб, байрам тантаналари бошлаб юборилди.

– Бувимнинг сумалак пиширишлари, маҳалла аёлларининг дошқозон атрофига йиғилиб, эрталабгача турли афсона ва ривоятлар сўзлаши ҳамон ёдимда, – дейди фермер Гулбаҳор Мавлонова. – Улардан бири тахминан бундай эди: "Узоқ вақт уруғ қадалмаган ва омоч тегмаган замин ўзини бахтсиз фаҳмлаб, омочни орзу қилган. Балоғат ёшидаги соҳибжамол қизга қиёсланган бундай замин фарзанд кўриш ва муносиб ёстиқдошга интиқ бўлган. Ер ўз эгасини топишидан жуда қўрққан девлар бунга тиш-тирноғи билан қарши чиққан. Гўзал қизнинг жуфти учраб, эгатларга буғдой қадалганда девлар саросимага тушади, гуркираб кўкарганда даҳшатдан дағ-дағ титрай бошлабди. Буғдой ун бўлганида фиғони фалакка етиб, ғалла хирмонга уюлганда девлар нобуд бўлибди. Шундан буён қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, ўша хонадонга девлар сира яқинлаша олмас экан". Ўшанда бу ривоятнинг моҳиятига тушунмаган бўлсам-да, чиппа-чин ишонганман. Ҳар йили кўклам кириши билан хўжалик аъзолари бир бўлиб омборхонадаги танча устида буғдой ундирамиз. Сумалак, ҳалим ва бошқа кўклам таомлари пиширилган оқшом шийпонимизга одам сиғмайди.

Қурама, Чотқол тоғларидаги қор қуёш тафтидан секин-аста эрий бошлади. Ҳосил бўлган зилол сувлар жилдираб оққанча Арашон, Ертошсой, Обжазсой каби йирик ирмоқларни ўз ичига олган Оҳангарон дарёсига қуйилмоқда. Уфққача ястаниб ётган қирлар ям-яшил бахмалга бурканганидек гўё. Узоқдан бойчечак тергани тоғ ёнбағирига чиққан оҳангаронлик болаларнинг қувноқ овози, момоларнинг Наврўз келди, ёз келди қўшиғию, ўлан ва лапарлари қулоққа чалинади. Тиниқ осмон узра эсаётган майин шабадага қарши эринибгина елаётган варраклар кўзга ташланади.

Ана шу варраклар гўё болаларнинг овози бўлиб, осмону фалакда янграмоқда: Хуш келдинг, Наврўз!

**Б. ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Наврўзи олам – оламнинг янги куни. Демак, ҳижрий шамсий тақвимга кўра, Ҳуту Ҳамалнинг алмашиш санаси – 21 мартда зимистон қиш чекиниб, кўклам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатади, янги кун, янги йил бошланади. Наврўз, албатта, ўз номи билан байрам, тўй-томоша, шодиёна. Мўътабар манбалардан биламизки, бу кун умумхалқ шодиёнаси сифатида азал-азалдан байрам қилинган. Ёшу кекса, эркагу аёл, бою камбағал ундан бирдай баҳраманд бўлган.**

# БОБОМЕРОС БАЙРАМ

Дошқозонларда Наврўз таомлари тайёрланиб тарқатилган, тандир-тандир кўк сомсалар ёпилган. Дастурхонларга минг турли ноз-неъматлар тортилган. Байрамга кўпкари, кураш, дорбозлик каби халқ ўйинлари зеб берган. Бир сўз билан айтганда, Наврўз одамлар ўртасидаги аҳилликка, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга хизмат қилувчи муқаддас анъана, урф-одат, миллий қадрият байрами сифатида нишонланиб келинган.

Қолаверса, бошқа байрамларимизда бўлгани каби, Наврўзнинг туб моҳиятида ҳам одамлар кўнглига қувонч бахш этиш ётади. Байрам шукуҳи ҳар бир хонадонга, ҳар бир юртдошимиз қалбига кириб боришига ҳаракат қилинади. Бунинг учун Наврўз кунлари ота-оналар, боболар, момолар, хасталар, ногиронлар, етим-есирлар йўқланади. Совға-саломлар улашилади, ҳадялар қилинади. Хайр-саховат тадбирлари одамларни бир-бирига яқинлаштиради. Ўртада меҳр-оқибат пайдо қилади. Қолаверса, саховатпешанинг давлатига янада қут-барака инади.

Маълумки, одамзот гўзал фазилатлар билан сифатланишга буюрилган. Шулардан энг муҳими, меҳр-мурувватли бўлмоқликдир. Мурувватли одамлар ҳеч кимдан, айниқса, меҳртаталаб – етим-есир, мискин, бева-бечоралардан ёрдамини аямайди. Зеро, меҳр ва мурувват эгизак тушунчалар бўлиб, меҳрли одамлар табиатида мурувват кўрсатиш, ҳожатбарорлик фазилатлари устуворлик қилади.

Наврўз меҳнат байрами ҳамдир. Чунки Наврўз – йилбоши. У янги меҳнат мавсумини бошлаб беради. Далаларга яхши ният билан уруғ ташланади, боғлардаги дарахтларга зеб берилиб, янги ниҳоллар ўтқазилади. Демак, бизда янги меҳнат мавсуми Наврўз байрами билан, яъни хушу хурсандчилик билан бошланади. Дарҳақиқат, тўкин-сочинлик, хотиржамлик, фаровонлик, юксалиш, қўйингки, дунёдаги барча яхшиликлар сабабчиси – меҳнат.

(Давоми 2-бетда).

# ҚАТРАДА ҚУЁШ АКС ЭТГАН ДАМЛАР

**Байрам ўз номи билан – хурсандчилик, шодиёна, тантана. У – тинчлик, фаровонлик, бахтиёрлик рамзи. Зеро, байрамлар тинчлик барқарор юртларга, фаровон яшаётган халқларга ярашади. Мустақиллигимиз мустаҳкамланиб, Ватанимиз равнақ топган сари байрамларимиз ҳам гўзаллашиб бормоқда.**

Қатрада қуёш акс этганидек, умумхалқ байрамларида аҳоли кайфияти, эл фаровонлиги ва Ватан қудрати ўз аксини топади. Шу маънода минг йиллар оша халқимизнинг энг севимли байрами, улуғ ва боқий қадриятларидан бири сифатида яшаб келаётган Наврўзи олам йилдан йилга янгича мазмун ва моҳият касб этаётир. Жумладан, бу йилги Наврўз тантаналари мустақиллигимизнинг шонли 24 йиллиги ҳамда Кексаларни эъзозлаш йили руҳини ўзида мужассам этиб, янада ўзгача файзга эга бўлмоқда.

Ҳаётнинг ўзидек азал ва баҳор каби гўзал бу байрам юртимизга фаровонлик, тўкинчилик, мўл-кўлчилик, қут-барака олиб келиб, бетакрор кўрк ва жозиба касб этиши шубҳасиз. Биз неча минг йиллик тарихга эга қадим байрамнинг завқ-шавқини тотиш бахтига мушарраф бўлаётган саодатманд, бахтиёр халқ сифатида шукрона келтирамиз: "Инсонни азиз этган муқаддас Ватанимизга кўз тегмасин, халқимизнинг азалий қадриятларини эъзозлаб, улуғлаётган элнинг келажаги порлоқ бўлсин!"

Ўрта осиёлик тарихчи олим, 900-йилларда яшаб ўтган Абу Бакр ал-Наршахий "Бухоро тарихи" асарида Наврўз байрамига оид айрим удумларни келтириб, унинг уч минг йилдан ортиқ вақтдан бери нишонлаб келинаётганини таъкидлайди. Шу битиклардан кейин ҳам, мана, орадан яна минг йилдан ортиқ вақт ўтди. Кўриниб турибдики, Наврўз – ҳаётнинг ўзидек қадимий бўлиб, халқ даҳоси, иродаси ила замонлар оша яшаб келаётган ўлмас қадрият.

Аммо у бир замонлар тақиқларга, қувғинларга учради. Яқин ўтмишимиз – 1980-йилларда диний байрам сифатида тақиқлаб қўйилганига гувоҳ бўлганмиз.

(Давоми 2-бетда).

# ЯНГИ КУН, ЯНГИ ШАРОИТ

**"Бекободтумангаз" идораси аҳолига узлуксиз табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмолчилар учун қулай шарт-шароитлар яратишга интилмоқда. Хусусан, Наврўз байрами арафасида ташкилотимиз биноси бутунлай янгича қиёфа касб этди.**

Барча хоналар замонавий услубда таъмирланди ва зарур анжомлар, мебель жамланмалари билан жиҳозланди. Бўлимларга сўнгги русумдаги компьютерлар ўрнатилди. Мижозларни қабул қилиш, фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоб ишларига мўлжалланган махсус жой ажратдик. Шинам зал ва хоналарда барча шарт-шароитлар муҳайё.

Ташкилотимиз ҳудудида ҳам катта ҳажмдаги ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилди. Ҳовли ва йўлакларга безакли плиталар ётқизилди, дарахт ва гул кўчатлари ўтқазиш давом эттирилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизни жамоамиз номидан Наврўзи олам билан муборакбод этамиз. Наврўз барча хонадонларга қувонч ва шодлик олиб келсин!

**Икром ОЛИМОВ,**
**"Бекободтумангаз" идораси бошлиғи.**

# ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ

**Наврўзи олам ташрифи билан бугун далаларда яшиллик, булутлари тарқаган осмонимизда мусаффолик, баҳорий тафт эритган кўнгилларда иликлик, чеҳраларда самимий табассум жилва қилади. Турли миллат вакиллари аҳил-иноқ яшайдиган мустақил Ўзбекистон фуқаролари баҳорий айёмларни эмин-эркин, очиқ кўнгил билан нишонламоқда.**

Қуйи Чирчиқ тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан "Ўзбекистон – умумий уйимиз" шиори остида катта байрам тадбири ўтказилди.

– Туманимизда 107 минг аҳоли яшайди, – дейди коллеж директори Бойхўжа Машарипов. – "Янги ҳаёт" маҳалласида 10 га яқин миллат вакиллари бор. Ҳар йили Наврўз арафасида ўтказадиган байрам тадбирларимизда улар фаол қатнашишади.

Коллежимиз ўқувчилари шодиёнада ўз қобилиятларини намойиш қилиб, турли халқларнинг куй-қўшиқ ва рақсларини ижро этишди.

Байрамда сўзга чиққанлар инсонпарварлик, бағрикенглик, дўстлик руҳида ўтган тадбир ташкилотчиларига ва қатнашчиларга миннатдорчилик билдиришди.

**Саида ИКРОМОВА.**
**Даврон АҲМАД олган сурат.**



# ҲАЁТДЕК АЗАЛ, БАҲОРДЕК ГЎЗАЛ

## КЎҲНА ВА БОҚИЙ АЙЁМ



коллеж ва спорт заллари қуриб берилиб, замонавий моддий-техник база билан таъминланаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Вилоятимизда ўтган йилнинг ўзида 52 та мактаб, 24 та касб-ҳунар коллежи, 20 та шифохона, 28 та болалар спорт иншоотларида қурилиш таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, 5 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 9 та болалар спорт иншоотлари ҳамда 5 та мусиқа ва санъат мактаблари янгидан қуриб, фойдаланишга топширилди. Бунга жавобан вилоятимиз ёшларининг 300 га яқини спорт бўйича жаҳон, Осиё ва мамлакатимиз чемпиони, 16 нафари Зулфия, 10 нафарга яқини "Ниҳол" Давлат мукофоти, 6 нафари "Шуҳрат", яна 10 нафарга яқини "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони совриндорлари, 4 нафари эса Менделеев халқаро фан олимпиадаси ғолиблари экани барчамизнинг қалбимизга чексиз ғурур ва ифтихор бахш этмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Наврўз байрами арафасида маҳаллалар, кўчалар ва аҳоли турармжойларини ободонлаштириш, шунингдек, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилалар, ёлғиз қариялар ва беморлар ҳолидан хабар олиш ҳам эзгу анъанага айланган. Бу йил ушбу анъана давом эттирилиб, юртимиз бўйлаб умумхалқ ҳашари ва хайрия тадбирлари ўтказилди. Унда, дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, вилоятимизда шу кунгача экилган мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари 4 миллион 300 минг тупдан ошиб кетгани, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга 100 миллион сўмга яқин ёрдам кўрсатилганининг ўзи ҳам бу борадаги ишлар салмоғини англатади, албатта.

Қадимдан кун билан тун тенглашадиган Наврўз палласи деҳқончилик мавсумининг бошланиши ҳисобланган. Шу маънода, вилоятимиз миришкорлари ҳам эрта-индин катта мақсад, эзгу умидлар билан барака уруғи қадашни бошлайдилар.

– Қишнинг қор ва ёмғиридан тўйинган ердан ҳовур кўтарилиб, тобида етилди, – дейди Янгийўл туманидаги "Топил қизи Туймажон" фермер хўжалиги раҳбари Фозилжон Рихсибоев. – Кексаларни эъзозлаш йилининг баҳори биз деҳқонлар учун қулай келиши, ўйлайманки, улкан хирмонларга замин ҳозирлайди. Зеро, "Кўкламнинг бир куни йилни боқади" дейилиши бежиз эмас.

Халқимизда тўйга тўёна билан, деган гап бор. Ҳар йили бу айём арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилган янги иншоотлар, корхона ва ижтимоий муассасаларни фойдаланишга топшириш хайрли анъанага айланган. Яқиндагина Ўрта Чирчиқ туманининг Қумовул ва Оқтепа қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида қад ростлаган 135 та икки ва уч қаватли замонавий иншоотлар ҳам, шубҳасиз, байрамга муносиб туҳфа бўлди. Шунингдек, вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида Ўрта Чирчиқдаги сингари намунавий кўчалар қуриш жадал давом этаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Майдонда халқимизнинг миллий, ўзига хос фазилатларини тараннум этувчи халқ маросимлари намойиш этилди, қўшиқлар янгради. Санъат усталари, эстрада юлдузлари ҳамда ёш истеъдодларнинг она юртни, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этувчи чиқишлари тадбир иштирокчиларининг қалбларини тўлқинлантирди.

Наврўз шодиёналари вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида, қишлоқ ва маҳаллаларида давом этмоқда.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**

**СУРАТЛАРДА:** байрам шодиёналаридан лавҳалар.
**Азамат АҲМЕДОВ, Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.**





## ҚАТРАДА ҚУЁШ АКС ЭТГАН ДАМЛАР



Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги мамлакатлар мустақилликка эришгач, бошқа қадриятлар қатори Наврўз ҳам қайта тикланиб, умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. Айниқса, аждодлар қадриятлари алоҳида улуғланиб, эъзозланадиган, баҳори эса бетакрор ва ғоят гўзал келадиган бизнинг юртимизда бу байрам ўзгача жозиба ва шукуҳга эга.

Шамсий йил ҳисобида йилнинг биринчи куни – Наврўз, яъни янги кун бизнинг ўлкамизда табиатнинг росмана янгиланиши, ёшариши – янги ҳаёт бошланиши тимсолида намоён бўлади. У яна ризқ-рўзимиз манбаи бўлган деҳқончилик ишларининг бошланиши, меҳр-мурувват айёми билан уйғунлашган ҳолда Наврўзнинг шоҳ таоми – сумалак, янги кўкатлардан тайёрланган таомлар, улоқ, кураш, пойга ва бошқа турли тадбирлар, концертлар, қизиқарли томошаларда акс этган халқ сайлига айланиб кетади. Бу тантана ва шодиёналар

(Давоми. Боши 1-бетда).

юртимизнинг барча қишлоқ ва маҳаллаларида ҳам кўтаринки кайфият, тўкин дастурхон, аҳиллик, меҳр-мурувват билан нишонланадики, унинг шукуҳидан ҳамма баҳраманд бўлади.

*Халқим, менга азизсан ўзинг,*
*Юзинг иссиқ, шириндир сўзинг.*
*Бутун бўлсин ризқингу рўзинг,*
*Қутлуғ бўлсин элим, Наврўзинг.*

*Бугун юртнинг шодлик айёми,*
*Аригайдир ташвишу ғами.*
*Барчамизга қадрли, суюк –*
*Наврўз элнинг асл байрами.*

*Янги кунда умидлар эзгу,*
*Дилларда ҳам баҳорий туйғу.*
*Дошқозонлар қайнар ҳар ёнда,*
*Юртга келган энг катта тўй бу.*

*Наврўзимга бўлди ҳужумлар,*
*Ёмон тақиқ, машъум ҳукмлар.*
*Ўлмагайдир, яшагай мангу*
*Аждодлардан қолган удумлар.*

*Наврўз элнинг анъанасидир.*
*Тинмас қўшиқ-таронасидир,*
*Қадриятни тиклаган қайта,*
*Мустақил юрт тантанасидир!*

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.**
**Р. МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.**

## БОБОМЕРОС БАЙРАМ

Шу боис азалдан меҳнаткаш бўлган халқимиз бу айёмни интиқлик билан кутган, байрамни ҳам айнан дала бошида, боғлар қўйнида ўтказган. Кучларига куч, ғайратларига ғайрат қўшилиб, дилларига туккан эзгу ниятлардан руҳланиб ишга киришишган.

Аллоҳга шукрки, тупроғимиз унумдор, зироатбоп ерларимиз мўл-кўл. Беармон экин-тикин қилиш, боғроғ яратиш мумкин. Ҳатто тоғу тошларимизда ҳам кўплаб мева-чевали боғлар табиий ҳолда ўсиб ётибди. Боз устига бизда йилнинг тўрт фасли тўкис, бири-биридан файзли, зийнатли. Қолаверса, буюк Истиқлол шарофатидан эркин меҳнат қилиш ва меҳнатимиз самарасидан тўла-тўкис баҳрамандлик имконига эга бўлдик. Бундай бебаҳо неъматлар ва имкониятлар шукронаси учун ҳар қанча меҳнат қилсак, чор-атрофни боғу бўстонларга айлантирсак арзийди.

Маълумки, халқимизни боғ-роғ яратишга ишқибозлиги бобомерос одат. Бир парча бўш ер кўрса,

(Давоми. Боши 1-бетда).

тимдалаб, экин экади. Кўчат ўтқазиб, боғ яратади. Бу анъана халқимиз учун имон-эътиқод ишига айланиб кетган. Муқаддас динимиз ақидасига кўра, инсон дунёни обод қилиш, бунёдкорлик учун яратилган. Ҳосил бериб турган дарахтни ўринсиз кесиш, экинзорларни пайҳон қилиш эса оғир гуноҳ ҳисобланади. Соҳибқирон бобомизнинг ер ўзлаштириб, боғ яратган кишиларни соликдан озод этиш, бир туп кесилган дарахт ўрнига ўн туп ўтқазиш тўғрисидаги кўрсатмалари, ҳатто ўзлари ҳам боғбонликка қизиққанлари, хусусан, пайванд қилишни яхши кўрганлари ва яна намунали боғлар яратишга буйруқ берганлари... Булар барчаси табиатга ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилганини тасдиқлайди.

Алишер Навоий ҳазратлари деҳқонни "ризқ йўлини очувчилар" деб улуғлайди. Уларнинг меҳнатидан нафақат ўзи, ҳатто қушлару қурт-қумурсқаларгача баҳраманд бўлади, дейди. "Бир киши дарахт ўтқазса, ёки бир нарса экса, ундан қуш ёки инсон тановвул этиб, манфаатланса, шу сабабдан у киши эҳсон қилганлик савобига эришур", дейилади Ҳадиси шарифда.

Ахир муқаддас динимизда одамнинг тупроқдан яратилгани ва у ер юзини обод қилиш учун юборилгани айтилади. Демак, биз ер фарзандимиз, Она заминни обод қилиш, ундан унумли фойдаланиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Истиқлолдан сўнг мамлакатимиз шаҳар-қишлоқлари қиёфаси тубдан ўзгарди. Бу ўзгариш унинг табиатида, атроф-муҳит ҳолатида ҳам яққол кўзга ташланди. Пахта яккаҳокимлиги тугатилиб, янги мевазор боғлар, узумзорлар барпо этилди. Боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил қилинди. Айни чоғда, юртимиздаги истироҳат боғлари, кўча ва хиёбонлар кўкаламзорлаштирилиб, сўлим оромгоҳларга айлантирилмоқда. Биргина пойтахтимиздаги Миллий боғ, Мустақиллик майдони ва Амир Темур хиёбонларининг кейинги йилларда бетакрор қиёфа касб этганининг ўзиёқ Ватанимизда қадим боғ меъморчилиги анъаналари қайтадан тикланаётганидан дарак беради.

Миришкор халқимиз, боғ-роғлар, гулу гулзорларга бурканган Она юртимиз Наврўзни байрам қилмоқда. Табиат байрами, уйғониш, яшариш айёмини кенг нишонламоқда. Бунёдкорлик меҳнати билан юртни обод қилаётган, равнақига равнақ қўшаётган, ризқимиз мўл-кўллигини таъминлаётган фидокор инсонлар байрами – Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

**Хайрулла ТУРМАТОВ,**
**вилоят бош имом-хатиби.**

## МЕҲР-МУРУВВАТ – ФАЗИЛАТ

"O'ZBEKISTON" меҳмонхонасида Наврўз байрами муносабати билан "Меҳр-мурувват – миллий фазилатимиз!" шиори остида вилоят ҳокимлиги ва "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамоат фонди вилоят ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда вилоятимиз меҳнат фахрийларидан иборат ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронлар ҳамда вилоятда фаолият юритаётган миллий-маданий марказлар раислари ва фаоллари иштирок этди. Унда мустақиллик йилларида юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда эришилган ютуқлар тўғрисида фикр юритилди.

Байрам тадбирида элимиз суйган санъаткор, шоир ва ёзувчиларнинг чиқишлари иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Тадбир якунида фахрийлар ҳомийларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Муқаддас ИСРОИЛОВА.**

Огоҳлик – давр талаби

## ОСОЙИШТАЛИККА НЕ ЕТСИН

**Шукроналар бўлсинки, юртимизда баҳорнинг илиқ шабадаси эсиб, қуёшли кунлар бошланди. Дов-дарахтларга она табиатдан илиқлик иниб, борлиқ жонланмоқда. Бу – Наврўз нишонаси.**

Неча минг йиллардан буён аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган Наврўзнинг истиқлол йилларида ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти янада кучайди. Табиат уйғониши, шарқона янги йил бошланиши, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўз айёмини алоҳида тайёргарлик билан кутиб олиш ва нишонлаш эзгу анъанага айланди.

Бундай кўтаринки ва бетакрор лаҳзаларни миллати, тили, динидан қатъи назар, юртимизнинг ҳар бир фуқароси ягона оила бўлиб, шоду хуррамликда ўтказмоқда. Ўз яқинларини байрам билан самимий қутлаб, Яратгандан сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайди, тинчлик-осойишталигимиз ҳамиша барқарор, осмонимиз доимо мусаффо бўлишини сўраб, дуолар қилади.

Эътироф этиш кераккки, тинчлик-хотиржамлик, осойишталик барқарор юртга байрамлар ярашади. Мамлакатимиздаги осойишталик, халқ турмуши фаровонлиги боис бу йилги Наврўз байрами янада кенг нишонланмоқда. Ушбу хотиржамликнинг қадрига етиш ва уни асраб-авайлаш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг, балки шу муқаддас юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бугунги байрам ҳар бир хонадонга олам-олам қувонч, файзу барака олиб келсин. Биз кексалар она Ватанимизнинг янада гуллаб яшнаши, ёшларимизнинг илмли, зиёли бўлиши учун ҳамиша дуодамиз.

**Каримжон АЗИМОВ,**
**меҳнат фахрийси,**
**Зангиота тумани.**




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
№ 22 (12762)



Ижтимоий жараён

# БИЗГА ҲАВАС БИЛАН ҚАРАШАДИ

**Оққўрғон туман "Нуроний" жамғармаси "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурининг ижроси доирасида "Шукрона тимсолида уч авлод учрашуви" мавзуида давра суҳбати ташкил этди.**

Учрашувга Иккинчи жаҳон уруши ва ўша йиллардаги меҳнат фронти иштирокчилари, халқ таълими, касб-ҳунар коллежлари, ички ишлар бўлими, "Камолот" ЁИҲ ва "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вакиллари таклиф этилди. Сўзга чиққанлар мустақилликда кечган 23 йилдан буён мамлакатимиз жадал гуллаб-яшнаётгани, иқтисодий-ижтимоий ва маънавий тараққиётнинг ўзбек модели бутун дунёда нафақат эътироф этилгани, балки қатор мамлакатлар уни ўргана бошлаганини мамнуният ва фахр билан таъкидладилар.



– Юртимиз ёшлари тинч ва осуда Ватанда, ҳар гўшада боғ-роғлар бунёд этилаётган юртда, дунё аҳли ҳавас билан қараётган мамлакатда ҳеч нарсадан кам бўлмай яшаётганлари учун шукроналар айтсалар ярашади, – деди Иккинчи жаҳон уруши ногирони, 94 ёшли Файзулла бобо Нурматов. – Биз бошимиздан кечирган қора кунларни энди ҳеч ким, ҳеч қачон кўрмасин. Ҳар куни қўлингиз меҳнатда, қалбингиз шукронада бўлса, юрт равнақи завол кўрмайди.

– Табаррук ёшдаги Файзулла бобонинг дил сўзлари нафақат ёшларга, балки давра суҳбатининг барча қатнашчиларига ўзгача руҳ бахш этди, – дейди туман "Нуроний" жамғармаси кенгаши раиси Нурмуҳаммад Нодиров.

**Ўз мухбиримиз.**

# ЯНГИ КЕНГАШ ТАРКИБИ

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент Давлат аграр университетидаги бошланғич ташкилоти ҳисобот-йиғилиши бўлиб ўтди.**

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши вакиллари, университет раҳбарияти, бошланғич ташкилотнинг университет факультетларидаги кенгашлари вакиллари, ёш ўқитувчилар, ҳамкор ташкилотлар ва ОАВ ходимлари иштирок этган йиғилишда бошланғич ташкилотнинг ўтган даврда амалга оширган ишлари юзасидан ҳисоботи тингланди ва бошланғич ташкилотнинг янги кенгаши таркиби сайланди, келгуси йил иш режаси лойиҳаси тасдиқланди.

Йиғилишда бошланғич ташкилот кенгаши аъзоларидан Шавкат Дурхўжаев бошланғич ташкилот етакчиси этиб сайланди.

Тадбир сўнгида фаол талаба ёшлар Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ҳамда университет фахрий ёрлиқ ва ташаккурномалари билан тақдирланди.

**Маҳлиё ИСРОИЛОВА.**

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

**Республика Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасида "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш борасида Қўмита амалга ошираётган ишлар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

15 март – Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куни муносабати билан ўтказилган анжуманда Қўмитанинг мутасадди раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, аҳолининг истеъмолчилик маданиятини ошириш, ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида Рақобат Қўмитаси соҳадаги янгилик ва ўзгаришлар хусусида семинар, брифинг ва давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда.

– Аҳоли товар танлаш ва у ҳақда маълумот олиш, етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш каби ҳуқуқларидан кенг фойдаланаётгани истеъмолчилик маданияти ривожланаётганидан далолатдир, – дейди реклама фаолиятини назорат этиш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Дилшод Азимов. – Ўтган йили Қўмитамиз ва унинг ҳудудий бўлимларига 4 минг 700 дан зиёд мурожаат тушди. Улар ўрганиб чиқилиб, 1 миллиард 200 миллион сўмлик маблағ қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Тадбир сўнгида савол-жавоблар қизғин давом этди. Мутасадди раҳбарлар анжуман иштирокчиларининг барча саволларига атрофлича жавоб беришди.

**Авазбек ИСРОИЛОВ.**

# ҚАРИЯЛАР ИЗЗАТДА

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамда Оҳангарон туман ҳокимлиги қариялар ва ногиронлар "Саховат" уйида Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан тадбир ўтказди.

Сўзга чиққанлар юртимизда кексаларга қаратилаётган алоҳида эътибор ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Байрам дастурхони ёзилиб, баҳорий таомлар тортилди. Фаол ёшлар ва санъаткорлар "Саховат" уйи ҳовлисига мевали дарахт кўчатлари ўтқазишди.

Тадбир якунида кексаларга "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Мақсуда ИСЛОМОВА.**
**Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.**





# «ЧОРВА ПАРРАНДА КЕЛАЖАК» ҒОЛИБЛАР САФИДА

**Самарқанд вилоятида "Кенг масштабли селекция тадбирларини инобатга олган ҳолда сигирларни замонавий усулларда сунъий уруғлантиришни жорий этиш ва аҳолига сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш" мавзуида республика илмий-амалий кўргазмали семинари бўлиб ўтди.**

Республика чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчилар уюшмаси ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган семинарнинг дастлабки куни иштирокчилар "Пасдарғом омухта ем савдо" ҳамда "Тойлоқ омухта ем савдо" масъулияти чекланган жамиятлари фаолияти билан танишишди.

Семинарнинг иккинчи куни техник осеменаторлар кўрик-танлови ташкил этилди. Унда республиканинг ҳар бир вилоятидан қатнашган икки нафардан энг кучли осеменаторлар сунъий уруғлантириш техникаси бўйича амалий малакаларини синовдан ўтказишди. Танлов натижаларига кўра, вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган Юқори Чирчиқ туманидаги "Чорва парранда келажак" масъулияти чекланган жамияти селекция-наслчилик ишларини ривожлантиришда, аҳоли, деҳқон ва фермер хўжаликлари қарамоғидаги сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантиришни тарғибот-ташвиқот қилиш ва чорва молларининг насл хусусиятларини яхшилашда кўрсатган хизматлари учун ғолиб топилиб, 2 даражали диплом билан тақдирланди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ.**

# ТАДБИРКОР КЎМАКЧИСИ

**Мамлакатимизда тадбиркорларга яратиб берилаётган қулай шароит ва кенг имкониятлар натижасида барча ишлаб чиқариш тармоқларида маҳсулот ҳажми кескин ортди. Талабга нисбатан таклифнинг кўпайиши, табиийки, тадбиркорлик субъектлари ўртасида соғлом рақобатни вужудга келтириб, рекламага бўлган эҳтиёжни оширди. Шу боис, жойларда тадбиркорларнинг рекламадан тўғри фойдаланиши учун "Реклама тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган семинарлар ўтказилмоқда.**




Шундай семинар вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида Оҳангарон тумани ҳокимлигида ташкил этилди. Вилоят адлия бошқармаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси вилоят бўлими, Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси, Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари ва Оҳангарон тумани тадбиркорлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган мулоқотда "Реклама тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва амалиётда тўғри қўллаш, қонун талаблари бузилган ҳолларда жавобгарлик ҳамда реклама жойлаштиришда тадбиркорларга берилган имкониятлар хусусида атрофлича фикр юритилди.

Савол-жавобларга бой тарзда ўтган семинар сўнгида мутасаддилар тадбиркорларнинг саволларига жавоб бериб, бошқармада ташкил этилган 267-74-64 ишонч телефони рақамларига тўғридан-тўғри мурожаат этиш мумкинлигини таъкидлашди.

**Аваз БЕКОВ.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**

# УЧ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

**Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Бу борада вилоятимизда ҳам айтгулик ишлар амалга оширилмоқда.**

Қибрай тумани ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, прокуратура, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 70 та корхона ва ташкилот қатнашиб, 1162 та бўш иш ўринларини тақдим этдилар.

Ярмаркада иштирок этган 350 кишидан 235 нафари касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бўлиб, кўпчилиги уч томонлама шартнома имзоладилар. 75 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди. 190 киши ўзларини қизиқтирган саволларга мукаммал жавоб олдилар.

**Ирода НОРБОЕВА.**
**Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.**



# ЭҲТИЁТКОРЛИК МАЪҚУЛ

**Ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида ташкилот ва муассасаларга мунтазам равишда ёзма кўрсатмалар бериб борилмоқда.**

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, ўтказилган текширувлар давомида асосий эътибор қўриқланаётган масканларда мавжуд ёнғиндан автоматик равишда хабарлов ускуналари, автоматик равишда ёнғин ўчириш қурилмалари, бирламчи ёнғин ўчириш воситалари, ташқи сув тармоқлари ҳамда захира чиқиш йўлакларнинг созлигига қаратилади.

Носоз қўлбола электр ускунлари, вақтинча тортилган электр тармоқлари, шунингдек, пиротехника воситаларидан фойдаланмаслик борасида кенг кўламли суҳбатлар ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

**Асом ҚАМБАРОВ,**
**28-ҲЎХҚ инспектори.**

Эълонлар

## Корхона ва ташкилотлар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 26 январдаги "Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг барқарор фаолиятини ва уларнинг қувватларидан юқори даражада фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги 11-сонли қарорига асосан 2015 йилдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъи назар, микрофирмалардан ташқари саноат ва қурилиш соҳасидаги барча корхоналар бўйича улар фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш ва молиявий параметрларини акс эттирувчи корхоналар паспортларини ҳар йили расмийлаштириш тартиби жорий этилди.

2014 йил учун корхона ва ташкилотларнинг паспортларини ўз вақтида расмийлаштириш, маълумотлар тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш ҳамда жорий йилнинг 1 апрелигача бўлган муддатда интернет тармоғи орқали Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг дастурий-технологик воситаларидан фойдаланган ҳолда статистика органига электрон шаклда тақдим этилиши корхона ва ташкилотларнинг раҳбари зиммасига юклатилганлигини маълум қиламиз.

**Вилоят статистика бошқармаси.**

**"Respublika mulk markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Тошкент вилояти болалар ва ўсмирлар Олимпия захиралари махсус спорт мактабининг 2015 йил 18 мартдаги 40-сонли буюртманомасига асосан мактаб тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 112-уй манзилида сақланаётган, "Тико" русумли, давлат рақами 01/315ССА бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 5 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 21 апрель куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 17 апрель куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" АЖнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz. № 001580.

**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига 1) Тошкент шаҳар, Учтепа тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 27.01.2015 йилдаги 10-1420/23150-сонли ижро варақасига асосан; бошланғич нархи – 250 000 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Тошкент ҳалқа йўли, Саноат ҳудуди, 5-уйда жойлашган, умумий майдони 165,0 кв.м. бўлган № 159, 160, 161, 162, 165, 166, 167 ва 168-сонли савдо дўконларидан иборат "Қурилиш моллари савдо мажмуаси", 2) Тошкент шаҳар, Олмазор тумани СИБ томонидан, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманлараро судининг 11.08.2014 йилдаги 1-2997/14-сонли ижро варақасига асосан; бошланғич нархи – 70 246 400 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қора Қамиш 1/1-даҳаси, 21-уйда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 65,65 кв.м., яшаш майдони 40,07 кв.м.дан иборат бўлган 3 та яшаш хонадан иборат 44-хонадон "тураржой" қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2015 йилнинг 22 апрель куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

**"Respublika mulk markazi" АЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Тошкент вилояти болалар ва ўсмирлар Олимпия захиралари махсус спорт мактабининг 2015 йил 18 мартдаги 40-сонли буюртманомасига асосан мактаб тасарруфидаги, Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Темур Малик кўчаси, 112-уй манзилида сақланаётган, "Тико" русумли, давлат рақами 01/315ССА бўлган, 2002 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 5 500 000 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 21 апрель куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 17 апрель куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "RMM" АЖнинг ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz. № 001580.

**«REAL AUKSION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда: Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланаётган: 23.01.2014 йилдаги 1849-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1977 йилда и/ч., дав/рақ: 10W8556, бошланғич баҳоси – 1 767 042 сўм бўлган "Ваз-2101" русумли техник носоз; 19.05.2008 йилдаги 2777-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1984 йилда и/ч., дав/рақ: 11V6328, бошланғич баҳоси – 315 471 сўм бўлган "Москвич 412" русумли техник носоз; Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар 1-сонли ИИБда сақланаётган: 18.11.2013 йилдаги 17585-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1985 йилда и/ч., дав/рақ: 11G0603, бошланғич баҳоси – 1 423 529 сўм бўлган "УАЗ 469" русумли техник носоз; Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар, "Савдо" МЧЖ омборида сақланаётган: 17.06.2010 йилдаги 9297-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1987 йилда и/ч., дав/рақ: 11T8467, бошланғич баҳоси – 355 115 сўм бўлган "ГАЗ-24" русумли техник носоз; 11.02.2013 йилдаги 433-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1985 йилда и/ч., дав/рақ: 6981 ТША, бошланғич баҳоси – 412 802 сўм бўлган "Урал" русумли техник носоз мотоцикл; 02.06.2014 й. 10564-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1980 йилда и/ч., дав/рақ: 10L602CA, бошланғич баҳоси – 3 343 362 сўм бўлган, "ВАЗ-21011" русумли техник носоз; 02.06.2014 й. 10565-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1982 йилда и/ч., дав/рақ: 10A468JA, Бошланғич баҳоси – 4 059 333 сўм бўлган, "ВАЗ-2106" русумли техник носоз; 04.10.2013 й 14546-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1973 й. и/ч., дав/рақ: 11A9219, бошланғич баҳоси – 787 193 сўм бўлган, "ВАЗ-21011" русумли автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2015 йил 7 апрель куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан: Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдонида сақланаётган: 18.03.2014 йилдаги 6416-сонли ижро ҳужжатига асосан: 2006 йилда и/ч., дав/рақ: 10E454CA, бошланғич баҳоси – 7 099 474 сўм бўлган "ВАЗ-21150" русумли техник соз автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда.

Тошкент вилояти Бекобод шаҳар СИБ томонидан: Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар "Бекободсавдо" МЧЖда сақланаётган: 06.06.2014 йилдаги 2955-сонли ижро ҳужжатига асосан: 1974 йилда и/ч., дав/рақ: 10D897FA, бошланғич баҳоси – 1 954 000 сўм бўлган "ВАЗ-2103" русумли техник соз автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда.

Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани "Халқобод Агро Люкс" МЧЖда сақланаётган: 10.10.2013 йилдаги ижро ҳужжатига асосан: 2002 йилда и/ч., дав/рақ. йўқ, бошланғич баҳоси – 3 219 000 сўм бўлган "ВУ-300" русумли техник соз трактор савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2015 йил 22 апрель куни соат 11:00 да бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосига қўйилган автотранспорт воситаси билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиали даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20208000104996600001, МФО: 01101, ИНН: 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

ООО "GLOBAL-AVTO-PARTS" (ИНН 302698245), зарегистрированное ИРСП Сергелийского района г. Ташкента за реестр № 004000-06, почтовый адрес: массив Сергели-6, ул. Янги Сергели, 1 этаж, 12 комната преобразуется в ЧП "GLOBAL-AVTO-PARTS" (решение учредителя от 18. 03. 2015 г.) Правопреемником ООО "GLOBAL-AVTO-PARTS" является ЧП "GLOBAL-AVTO-PARTS". Претензии принимаются по телефону: 931-27-04.

Яккасарой тумани ТСРЎИ томонидан 17.07.2013 йилда № 007336-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SOFIYA CONSALTING" оилавий корхонаси ТУГАТИЛАДИ (Ўзбекситон Республикаси Президентининг 2007 йил апрелдаги ПҚ-630-сонли қарорига асосан).

VICTORY
YURCONSALT

*– Кадастр билан боғлиқ масалалар (шу жумладан ўзбошимчалик билан қурилган бино ва иншоотлар);*
*– Кўчмас мол-мулк билан боғлиқ бўлган битимлар имзолашда юзага келиши мумкин бўлган хавфларни аниқлаш;*
*– Исталган қийинчиликдаги хўжалик низолари;*
*– Бизнес юритишга доир маслаҳатлар;*
*– Рўйхатдан ўтказиш, ликвидация ва банкротлик ишлари;*
*– Ташқи иқтисодий фаолият олиб боришни қўллаб-қувватлаш.*

**Тошкент, «VICTORY YURCONSALT» МЧЖ**
Guvohnoma № 002567

(91) 192-96-86, 925-96-81
www.facebook.com/victoryyurconsalt
E-mail: victory-yur@mail.ru

"NUR" МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

СП ООО "ХАТТОТ PRESS" (ИНН 207187342, ОКОНХ 19400), зарегистрированное Управлением Министерства Юстиции Ташкентской области за № 249 от 27.06.2013 г., расположенное в Кибрайском районе Ташкентской области сообщает об уменьшении уставного фонда с 500 000,00 долларов США до 14 547 407,10 сум, что составляет 6 074,64 долларов США. Телефон: (+99890) 998-28-96.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 25.04.2014 йилда № 007400-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган, Олмазор тумани, Кичик ҳалқа йўли (Ниёзова) кўчасида жойлашган "ABDUHAMID FAYZ SAVDO" (ИНН 302929375) МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "ABDUHAMID FAYZ SAVDO" оилавий корхонага ўзгаришини маълум қилади.

ЧП "BEST CAPITAL BUILDING" (ИНН 303007518) сообщает об изменении формы собственности на ООО "BEST CAPITAL BUILDING". Телефон: 628-77-77.

Утерянный диплом УВ-I № 070034, выданный в 1990 году Ташкентским Государственным университетом на имя Титаренко Геннадия Владимировича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.




Bolalik bog`i

## NAVRO`Z KELDI OLAMGA

Men ona tabiatni, uning fasllarini juda sevaman. Ayniqsa, ko`klamni. Chunki, bahor kelishi bilan dimog`imizga uning xushbo`y nafasi uriladi. Erta tongdan qushlarning shodon sayrashidan go`yoki mudrab yotgan daraxtlar ham uyg`onadi, kurtaklari barg yozib, nafis gullar ochadi. Tog` etaklarida bahor elchisi boychechaklar chiroyini ko`z-ko`z qiladi. Osmonni bir muddat kuzatsangiz, oq bulutlardan yasalgan har xil shakllarni tomosha qilishingiz mumkin.

Darhaqiqat, tabiat sirli mo``jizalarga to`la, ular bahorning ilk kunlaridayoq ko`z oldimizda gavdalanadi. Bahorga "fasllar kelinchagi" deya ta'rif berilishining sababi shundandir ehtimol.

*Varraklar samoda parvoz aylaydi,*
*Bolalar quvonib, qo`shiq kuylaydi.*
*Bog`bon bobo dalasida*
*ishin boshlaydi,*
*Goh bulutlar asta ko`zin yoshlaydi.*

Bahor faslida dehqonu bog`bonlar yana bog` va dalalariga yo`l olishadi. Erlarga o`g`it sepib, ishlov berishadi. Atrofimiz yanada ko`kalamzorlashadi. Barcha mahalla va xonadonlarni birgalashib saranjom-sarishta holga keltirishadi. Milliy bayramimiz bo`lmish Navro`z keng nishonlanadi. Bahor yomg`iriga to`yingan yalpiz, ismaloq va jag`jag` kabi ko`katlardan somsa, chuchvara, shuningdek, sumalak, halim kabi milliy taomlar tayyorlanadi.

*Bugun mahallamning onaxonlari,*
*Hamjihatlik ila qilar sumalak.*
*Qizlar sochlarini mayda o`rishib,*
*Tagiga taqishib olgan tolbargak.*

Navro`z kunlarida odamlar yuzidan tabassum arimaydi. Boquvchisini yo`qotgan, yolg`iz qariyalar holidan xabar olinadi. Bu esa o`zbek xalqi bir-biriga mehribon, mehmondo`st, mehr-oqibatli ekanini yana bir bor namoyon etadi.

**Dilhayot ERKINOVA,**
**"Kamalak yulduzlari" respublika bolalar ijodiyoti festivali g`olibi.**




## НЕТАНЬЯХУ ПАРТИЯСИ САЙЛОВ ҒОЛИБИ

**Исроилнинг ўнг "Ликуд" партияси парламент сайловларида етакчилик қилиб, ўз бошлиғи Биньямин Нетаньяхунинг янги ҳукуматни шакллантириб, бош вазир курсисини кетма-кет учинчи бор эгаллаш имкониятини оширмоқда.**

РИА Новости агентлиги мамлакатнинг марказий сайлов комиссияси маълумотларига таяниб тарқатган хабарида айтилишича, 68,07 фоиз бюллетенлар ҳисоблаб чиқилганидан сўнг "Ликуд" партияси 23,73 фоиз овоз билан етакчилик қилмоқда. 19,06 фоиз овоз олган асосий рақиб – сўл центрист "Сионистик иттифоқ" иккинчи ўринда бормоқда. Нетаньяху ҳозирданоқ партиядошларини "буюк ғалаба" билан табриклади.

"Сионистик иттифоқ" раҳбари Исҳоқ Герцог мағлубиятини тан олишдан бош тортди ва ўз ҳукуматини тузишга уриниб кўриш ниятида эканини эълон қилди. Зеро, парламент сайловларидан олдинги сўров жараёнида жамоатчилик "Сионистик иттифоқ"нинг ғалабасига ишонч билдирган эди.

Маълумки, 2014 йил декабрда ҳукмрон коалиция парчалангач, муддатидан илгари сайлов ўтказишга қарор қилинганди. Энди мамлакат президенти парламентдаги ўринларнинг ярмидан кўпини эгаллаган коалицияни тузишни уддалаган депутатни бош вазир лавозимига тайинлайди.

## ФРАНКФУРТДА РУХСАТСИЗ НОРОЗИЛИК АКЦИЯСИ

**Майн дарёси соҳилидаги Европа марказий банки штаб-квартирасига кираверишда уюштирилган рухсатсиз норозилик намойиши қатнашчиларидан 350 га яқинини полиция ҳибсга олди.**

Шаҳар полициясининг расмий вакили РИА Новости агентлигига берган маълумотига қараганда, ушбу норозилик акцияси Европа марказий банки штаб-квартираси янги биносининг расмий очилишига тўғриланган бўлиб, унда тахминан 1500 дан зиёд киши иштирок этди. Полиция ҳалқасини ёриб ўтган намойишчилар Майн дарёси кўприги устидаги ҳаракатни тўхтатиб қўйишди. Оқибатда транспорт ҳаракати кескин сусайди. Шаҳарда автомашиналар ҳаракати умуман ёпилди. Метрополитен фаолияти ҳам қисман тўхтади. Поездлар бекатларга кечикиб келмоқда ёки айланма йўналишларга буриб юборилмоқда. Мактаб ва боғчалар раҳбарлари болаларни уйга олиб кетишларини сўрашди. Умуман шаҳарда почта, дўкон, банк ва умумий овқатланиш муассасалари иши ҳам издан чиқди.

## МИЛЛИЙ МУЗЕЙГА ҲУЖУМ

**Associated Press агентлиги тарқатган хабарда келтирилишича, Тунис бош вазири Эссид Ҳабиб Бардо миллий музейига ҳужум уюштирган икки ёки уч кишидан иборат террорчини қидириш давом этаётганини маълум қилган.**

"Биз мамлакатимиз тинчлигини ҳимоя қилишда ҳеч кимни аяб ўтирмаймиз", деди бош вазир. У хавфсизлик чораларини кучайтиришни ваъда қилиб, тунисликларни ўта огоҳ бўлишга чақирди.

Сўнгги маълумотларга кўра, миллий музейга уюштирилган террорчилик ҳаракати жараёнида 20 киши қурбон бўлди. Хавфсизлик кучлари ходимлари ҳужум қилганлардан икки нафарини отиб ташлашди ва гаровга олинган икки кишини қутқаришди. Террорчиларнинг шахси ва уларнинг мақсадлари ҳақида ҳозирча ҳеч нарса маълум эмас.

XV асрда қурилган Бардо саройида Туниснинг энг йирик музейи жойлашган. У ерда Рим нақшчилигига оид кўплаб коллекция сақланади.

## ОТИШМА САБАБИ НОМАЪЛУМ

**Швециянинг Гетеборг шаҳри Хисинген оролидаги ресторанлардан бирида юз берган отишма чоғида камида икки киши ҳалок бўлиб, саккиз киши жароҳатланди.**

Воқеага гувоҳ бўлганларнинг ҳикоя қилишича, икки киши ресторанга кириб келиб, автомат қуролдан ўт очишган. Полициянинг оммавий ахборот воситалари учун тайёрлаган маълумотида ёзилишича, қурбон бўлганлар сони кўпайиши мумкин. "Тушунарлики, бу шунчаки оддий эмас, балки жуда қўпол жиноят, афтидан у жиноятчи гуруҳлар фаолияти билан боғлиқ", деди Гетеборг полицияси вакили Улла Брем. Ҳозирча полиция гумондорларни қўлга туширгани йўқ.

## ТАНГА ПУЛ МУАЛЛИФИ – ЎСМИР

**Британия молия вазири Жорж Осборн бир фунт стерлинг танга пул дизайни муаллифи 15 ёшли ўсмир Дэвид Пирс эканини маълум қилди.**

Пирс янги танга пулнинг орқа томони дизайнини яратиш учун уюштирилган танловда ғолиб чиқди. Олти мингдан зиёд намунани кўздан кечирган ҳайъат Пирс тақдим этган дизайн усулини ҳам гўзал, ҳам ғояси содда, аммо чуқур маъноли эканини ҳисобга олиб, юқори баҳолади. Гап шундаки, ўсмир ўз дизайнида тўрт хил ўсимликни ифода қилган, улар Бирлашган Қироллликнинг таркибий қисмлари тимсолини намоён этган. Яъни атиргул – Англияни, себарга – Шимолий Ирландияни, қушқўнмас – Шотландияни ва ниҳоят кўкпиёз – Уэльсни англатади.

Пирс дизайнига асосланган янги танга пул 2017 йилдан муомалага киритилади. Бу кейинги 30 йилда биринчи марта танга алмаштирилиши. Сабаби шуки, экспертлар эски бир фунт стерлинг танганинг қалбакисини ясаш жуда осон, деган фикрга келдилар.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ЭЪЛОН

Утерянную круглую печать, выданную на ИП "Муталипова Л. У.", СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ООО "LAST-MEDIA" сообщает об уменьшении уставного фонда с 100 000 000 сум до 40 000 000 сум.

ЧП "IPPODROM-NEFT MAHSULOT SAVDO" (ИНН 303113465), зарегистрированное в Мирабадском районе г. Ташкента за реестр № 007341-03 от 10.12.2014 г., ЛИКВИДИРУЕТСЯ (приказ № 3 от 20.03.2015 г.) Претензии принимаются по телефону: 235-83-92.

ЧП "QURUVCHILAR-NEFT MAHSULOT SAVDO" (ИНН 303113315), зарегистрированное в Мирабадском районе г. Ташкента за реестр № 007335-03 от 10.12.2014 г., ЛИКВИДИРУЕТСЯ (приказ № 3 от 20.03.2015 г.) Претензии принимаются по телефону: 235-83-92.

ЧП "DUMBURABOT-NEFT MAHSULOT SAVDO" (ИНН 303113520), зарегистрированное в Мирабадском районе г. Ташкента за реестр № 007344-03 от 10.12.2014 г., ЛИКВИДИРУЕТСЯ (приказ № 3 от 20.03.2015 г.) Претензии принимаются по телефону: 235-83-92.

ООО "SPUTNIK-NET SERVIS" (ИНН 301818404), зарегистрированное ИРСП Сергелийского района г. Ташкента за реестр № 002850-06, почтовый адрес: массив Спутник-16, дом 1, кв. 30, сообщает об уменьшении уставного фонда с 98 024 000 сум до 20 000 000 сум (протокол от 18.03.2015 г.) Претензии принимаются по телефону: 901-73-83.

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "GOOD WORK" (ИНН 302761208) хусусий корхонаси Тошкент вилояти Зангиота тумани ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "INFINITY-FOOD" (ИНН 206802147) МЧЖга бирлашишини маълум қилади ҳамда "INFINITY-FOOD" МЧЖ "GOOD WORK" ХКнинг барчак ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз зиммасига олган ҳолда унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади. Телефон: (+99890) 325-65-88.

Бу – қизиқ

## *Тасодифий кашфиёт*

1903 йили француз кимёгари Эдуард Бенедиктус тасодифан ичи нитроцеллюлоза билан тўлдирилган колбани тушириб юборади. Шиша дарз кетди, аммо синиқлари атрофга сачрамайди. Гап нимада эканини тушунган Бенедиктус, илк бор автомобиль олд ойналарининг замонавий ва синмайдиган турини яратади. Ҳаётий тажриба бу ихтиронинг автоҳалокатлар оқибатида қурбонлар сонининг камайишига ёрдам бераётганини кўрсатмоқда.

Сураткаш ҳазили



***– Баҳор қуёшида тобланиш қандай маза...***

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Наргис ҲАСАНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-2449. Адади 16011. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.00.